

ВИДЕОКОНФЕРЕНЦАЛОҚА РЕЖИМИДА СУРИШТИРУВ ВА ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИНИ ЎТКАЗИШ: ҲАЛҚАРО ТАЖРИБА ҲАМДА МИЛЛИЙ АМАЛИЁТ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Нормахмадов Низомиддин Абдусалимович

ИИБ Академияси Магистратура *Ташкилий тактик бошқарув* мутахасислиги

1-гуруҳ тингловчиси, подполковник

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7568565>

Аннотация: Мақолада замонавий инновацион ахборот технологияларини жиноят процессуал қонун нормаларига тадбиқ этиш жумладан, видеоконференцалоқа орқали тергов ҳаракатларини ўтказиш, уларни процессуал расмийлаштиришда кенг жорий этиш, шу билан бирга далилларни расмийлаштиришга доир қонунчиликдаги бўшлиқларни бартараф этиш, видео ва аудио ёзув кўринишидаги далилий аҳамиятга эга электрон маълумотларни тўплаш, уларни расмийлаштириш ҳамда мустаҳкамлашнинг процессуал тартиби билан боғлиқ айрим масалалар, ҳалқаро тажриба ҳамда миллий амалиёт истиқболлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: видеоконференцалоқа, видео ва аудио ёзувли электрон процессуал маълумотлар, электрон процессуал тартиб қоидалар, далилларни тўплаш, далилларни расмийлаштириш ва суд тергови жараёнида далилларни мустаҳкамлаш.

Янги технологиялар ички ишлар органларининг тезкор ва хизмат вазибаларини тез ва самарали ҳал этиш, жиноятлар имкон қадар тезроқ аниқлаш ва фош этиш имконини бермоқда.

Видеоконференцалоқа - бу янги технология, аммо у инсон ҳаётининг турли соҳаларида, масалан, бизнес, менежмент, таълим, тиббиёт, ишга ёллаш, тезкор назорат, хавфсизлик, жинойий ва фуқаролик судлари, кундалик ҳаётда фоаол қўлланилмоқда.

Рус тадқиқотчилари В.А.Терехин ва А.Е.Федюнинлар жинойий процесда видеоконференцияни ҳалқаро ва миллий жиноят процессуал қонунчиликнинг ҳуқуқи нормаларига асосланган жинойий процесс иштирокчиларнинг интерактив ўзаро алоқаси деб ҳисоблайди.

Видеоконференцалоқа давомида тасвир ва овознинг узлуксиз ва аниқ маълумот алмашинуви амалга оширилади.

Жиноят процессида видеоконференцалоқа – бу жиноят жараёнининг бир нечта иштирокчиларининг рела вақт режимида аудиовизуал ўзаро таъсирини таъминлайдиган технология сифатида белгилайди.

Бироқ, видеоконференцалоқани амалга ошириш сертификатланган телокмуникация тармоғига мос келадиган тасвир ва овозни узатиш ҳамда такрорлаш учун аудио ва видео ускуналарнинг мавжудлигини ва мунтазам равишда яроқлилигини талаб қилади.

Суд муҳокамаси босқичида видеоконференцалоқадан муваффақиятли фойдаланиш жиноят процессининг судгача бўлган босқичларида ундан фойдаланиш истиқболлари ҳақида гапиришга асос бўлади.

Дунёнинг бир қатор, яъни Австралия, Белгия, Буюк Британия, Германия, Италия, Қозоғистон, Канада, Латвия, Янги Зеландия, АҚШ, Финляндия, Франция, Швеция, Эстония каби давлатларнинг жиноят процессуал қонунчилигида

видеоконференцалоқадан фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари ва ушбу технология ёрдамида олинган далилларнинг мақбуллиги ишлаб чиқилган.

Шубҳасиз, бу борадаги хорижий тажрибани ўрганиш видеоконференцалоқа кўламини сезиларли даражада кенгайтиради.

Хорижий давлатларнинг қонунлигида видеоконференцалоқа алоқасининг турли шакллари назарда тутилган.

Жумладан, Канада жиноят процессуал кодексида “кабель телевиденияси” ёки шахсга “иштирок этиш” имконини берадиган бошқа техник воситалардан фойдаланиш бўйича қоидаларни белгилайди.

Эстония жиноят процессуал кодексининг 69, 287-моддалари “узоқ масофали тинглаш”-масофавий –гувоҳлик беришни назарда тутди.

Беларус Республикаси Жиноят процессуал кодекси (68-модда) ва Қозоғистон жиноят процессуал кодекси (408,4465-моддалар) “видеотехника воситаларидан фойдаланган ҳолда суд мажлиси”, “шахснинг масофавий иштироки”, “видеоконференцалоқа” деб номланади.

Видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланиш жиноят ишини оқилона муддатларда амалга оширишга, жиноят ишларини тергов қилишда моддий харажатларни камайтиришга хизмат қилади.

Россия Федерациясининг Жиноят процессуал кодексининг 164-моддасида тергов ҳаракатларида жиноят изларини ва ашёвий далилларни аниқлаш ва олиш учун техник воситалар ва усуллардан фойдаланишни назарда тутди.

Шунинг учун, қоида тариқасида, судгача бўлган босқичларда видеоконференцалоқадан фойдаланиш истисно қилинмайди.

Сўнги ўн йилликда давлат ва жамиятнинг турли соҳаларида инновацион ишланмалар жадал жорий этилмоқда.

Глобаллашув ва уюшган жиноятчиликнинг кучайиши, алоҳида давлатлар ва бутун жаҳон ҳамжамиятининг хавфсизлиги ва барқарор ривожланишига хужумлар, қонунга хилоф қилмишларни содир этишнинг мураккаб усулларининг пайдо бўлиши жиноят процессуал исботлашнинг янги усуллари ва воситаларидан фойдаланишни тақозо этмоқда.

Телекоммуникация соҳасидаги замонавий технологияларнинг жадал ривожланиши жиноятчиларга оғир ва айниқса ўта оғир жиноятларни жазосиз содир этишлари, катта фойда олиш имконини бермоқда, шу боис баъзида уларни жиноий жавобгарликка тортиш учун етарли далиллар базасини тўплашнинг имкони бўлмайди.

Трансмиллий жиноятчиликка қарши курашиш амалиёти нафақат унга қарши курашиш воситалари ва усулларини такомиллаштириш, балки жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатишнинг янги процессуал механизмларини яратишни ҳам тақозо қилади.

Тергов ва суд амалиётининг таҳлили шуни кўрсатадики, ҳозирги вақтда жиноят ишлари бўйича исботлаш воситалари ва усуллари тизимида янги техник ишланмалар муваффақиятли қўлланилмоқда.

Ҳуқуқни қўллаш билан боғлиқ қийинчиликларга қарамай, жиноий судлов соҳасида жиноий иш бўйича исботлаш ва далилларнинг бутун жараёнини холис ва

аниқ қайд этиш имконини берувчи аудио, видеоёзув ва бошқа техник воситалардан фойдаланиш бўйича катта тажриба тўпланган.

Илмий ва технология тараққиёт ҳали ҳам тўхтамайди ва бугунги кунда олимлар ва қонунчилар видеоконференция (видео алоқа), стрессли психофизик ҳолатни баҳолаш учун тенсометрик платформа каби сўнгги техник ишланмалардан фойдаланиш тартибини эрта тартибга солиш истиқболларини башора қилмоқдалар.

Шахс, “электрон” жиной ишларни юритиш тизимлари, видео протоколлар, электрон ҳақам ва бошқалар.

Дастлабки тергов органларининг процессуал фаолиятига илғор технологиялар, хусусан, видеоконференцалоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда далилларни олишнинг янги усулларини жорий этишнинг долзарблиги шубҳасиз.

Амалиёт шуни кўрсатадики, видеоконференцалоқадан фойдаланиш муаммоси нафақат техник, балки ҳуқуқий жиҳатга ҳам эга.

Мазкур технологияни қўллашнинг ҳуқуқий асослари, рухсат этилганлик чегаралари ва ундан жиноят процессида фойдаланиш тартиби, шунингдек, видеоконференцалоқа орқали олинган маълумотларга юридик куч бериш масалалари чуқур илмий изланишларни талаб этади.

Бинобарин, ушбу масалаларни илмий-амалий ҳал этиш зарурати ҳамда уларнинг етарлича чиқилмаганлиги ушбу мавзунинг долзарблигини, назарий ва амалий аҳамиятини белгилаб беради.

Шу билан бирга, жиноят процессида видеоконференцалоқадан фойдаланиш муаммолари жиноят ишлари бўйича ҳалқаро ҳамкорлик призмасида кўриб чиқилади. Ушбу тадқиқот методологияси қўйидаги ҳолатлар билан белгиланади.

Видеоконференцалоқа орқали олинган маълумотларнинг муҳофазаси учун **қўйидаги қоидаларга амал қилиш зарур:**

биринчидан, жиноят процессуал қонунчилиги ва ҳалқаро меъёрий қоидаларига, жинойт жараён иштирокчиларининг интерактив ўзаро таъсирга асосланган деб тушуниш таклиф қилинган жиноят процессида видеоконференцалоқа концепциясининг муаллифнинг таърифи, унинг давомида узлуксиз ва аниқ жиноят иши учун аҳамиятга эга бўлган аудиовизуал маълумотлар алмашинуви реал вақт режимида алоҳида телекоммуникация тармо-и орқали амалга ошириш;

иккинчидан, жиноят процессида, биринчи навбатда, тергов ҳаракатлари (сўроқ қилиш, юзлаштириш, кўрсатувларни жойида текшириш, кўздан кечириш, тергов эксперименти) ўтказишда судгача бўлган иш юритишда белгилаш зарурлигини асословчи илмий қоидаларни ишлаб чиқиш;

учинчидан, жиноят процессида, видеоконференцалоқа алоқаларини қўллаш тамойиллари, мақсадлари ва шартлари тў-рисида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган, жиноят процессининг мақсадига мос келадиган ҳамда жиноят процессида инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни кафолатлайдиган ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни кафолатлайдиган қоидаларни ишлаб чиқиш;

тўртинчидан, жиноят ишлари бўйича ҳалқаро ҳамкорлик соҳасида видеоконференцалоқа алоқаларини жорий этишни фаоллаштириш зарурлиги, бу

ҳалқаро шартномалар бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятлари, балки ҳалқаро ҳужжатларни имзолаш билан бо-лиқ ташкилотлар ҳалқаро ҳамкорлик доирасида, шунингдек ҳибсда сақланаётган ёки жазони ўтаётган шахсни экстрадиция қилиш/ўтказиш масалаларини ҳал қилишда сўров юборган давлат ҳудудида процессуал ҳаракатларни амалга ошириш учун бир муддатга видеоконференцалоқа алоқасидан фойдаланишни жорий этиш;

бешинчидан, видеоконференцалоқа алоқаси орқали, шу жумладан жиноят ишлари бўйича юридик ёрдам кўрсатиш тў-рисидаги сўровни бажариш жараёнида олинган маълумотлар исботланиши лозим бўлган ҳолатларни аниқлаш.

Жиноят процессининг барча босқичларида видеоконференцалоқа воситаларидан фойдаланиш қўйидаги мақсадларнинг амалга оширилишини таъминлайди:

-жиноят процесси соҳасида инсон ва фуқаронинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларига қатъий риоя қилган ҳолда жиноят процессининг самарадорлиги ва сифатини оширади;

-дастлабки тергов ва суд муҳокамаси вақтини қисқаради;

-гувоҳлар, жабрланувчилар ва жиноят процессининг бошқа иштирокчилари хавфсизлигини таъминлайди;

-тергов ва суд ҳаракатларини амалга ошириш учун молиявий харажатларни камайтиришга хизмат қилади;

Ҳалқаро тажрибалар ўрганилганида, видеоконференцалоқа воситаларидан фойдаланишда Финляндия қонун чиқарувчилари Жиноят процесслари тў-рисидаги қонунда далилларни олиш ҳолатларини ҳам белгилаганлар:

1) тингланаётган шахс касаллиги ёки бошқа сабабларга кўра асосий суд мажлисига шахсан кела олмаса ёки унинг асосий суд мажлисида шахсан иштирок этиши ҳаддан ташқари харажатлар манбаи бўлиб қолса ёки ҳаддан ташқари зарар келтирса;

2) тингланаётган шахснинг кўрсатувларининг ишончилиги унинг асосий суд мажлисида шахсан иштирокисиз ишончли баҳолалиши мумкин;

3) бундай тартиб эшитилаётган шахснинг ёки унга яқин бўлган шахснинг ҳаёти ёки со-лигини ҳимоя қилиш учун зарур бўлса;

4) эшитилаётган шахс ҳали 15 ёшга бўлмаган ёки психологик нуқсонлари бор бўлса;

Бундан ташқари, Финляндия Республикасининг процессуал мажбурлов чоралари тў-рисидаги қонуни ҳибсга олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини танлаш тў-рисида қарор қабул қилишда видеоконференцалоқадан фойдаланиш имконини беради.

Буюк Британия, Италия, Эстония жиноят процессида ушбу телекоммуникация технологиясининг асосий мақсади далилларни олиш, шунингдек ҳибсда сақланаётган шахснинг суд жараёнида иштирок этишини таъминлашдан иборат.

Видеоконференцалоқа орқали масофавий сўроқ ўтказиш ҳолатларининг шунга ўхшаш руйхати Эстония жиноят процессуал кодексига мавжуд.

2003 йилдаги Буюк Британиянинг жиноий адлия қонуни узоқдан гувоҳли к бериш билан бо-лиқ алоҳида бўлимни ўз ичига олади.

Вояга етмаган гувоҳлар ва жабрланувчилар иштирокидаги жиноят ишларини юритишда ҳам видеоконференцалоқа тизими қўлланилмоқда.

Буюк Британиядаги 50 дан ортиқ касалхоналар жиноят процессида видеоконференцалоқадан тўлиқ фойдаланишни таъминлаш учун касал ва ногиронларнинг кўрсатмаларини қўллаб-қувватлаш учун видеоконференцалоқа тизими билан жиҳозланган. Шунга ўхшаш тизимлар полиция участкалари ва адвокатлик фирмалари билан жиҳозланган.

Буюк Британияда жиноят процессида хориждан гувоҳдан далил олиш учун видеоконференцалоқадан фойдаланишга 1990 йилдан бошлаб чекланган миқдордаги ўта оғир жиноятларни (қотиллик, фирибгарлик ва бошқалар) тергов қилишда рухсат этилган.

References: